

**Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўтарилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташаббус юзасидан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ишлар**  
**ДАСТУРИ**

**I. Ўқувчи-талабаларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш масалалари.**

***Мақсад:***

Ўқувчи-талабаларда эстетик дид, касбий этика, кийиниш ва муомала маданиятини ривожлантириш, уларни адабиёт ва санъатга ошно қилиш, санъат, маданият ва мусиқа орқали уларни ҳар жихатдан баркамол шахс сифатида тарбиялаш.

***Амалга ошириладиган тадбирлар:***

***A) Олий таълим муассасасида:***

1. Таълим муассасалари ўртасида “Хазина”, “Ўзбекистон Ватаним маним” Ватан ҳақидаги кўшиқлар танловини ўтказиш.
2. Талабалар театр студиясини ташкил этиш ва фаолият натижадорлигини ошириш.
3. Таниқли санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, актёрлар ҳамда хонандалар ва талабалар ўртасида “Санъат – халқ руҳиятининг асосий негизи”, “Санъат – таммадун бешиги” номли учрашувлар уюштириш.
4. Олий таълим муассасаларида “Санъат ва маданият ойлиги” ва “Театр кунлари”ни ташкил этиш.
5. Барча олий таълим муассасаларига Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаларини ишлаб чиқариш амалиёти даврида ОТМга жалб этиш.
6. Адиблар таваллуд топган кунларда уларнинг оила аъзоларини таклиф этган ҳолда адабий кечалар ва “Ёш рассомлар” кўрик-танловини ташкил қилиш.
7. Ёш мусаввирлар ва рассом педагоглар билан учрашувлар, маҳорат дарсларини ташкил этиш.
8. Талабалар ўртасида ҳар йили рассомлар кунига бағишлаб ўтказиладиган тасвирий санъат ҳафталиги доирасида талабаларнинг ижодий ва инсталляцион ишлар кўргазмасини ташкил этиш.
9. Ўқувчи-талабалар учун мусиқа, рассомлик клублари ҳамда мусиқа студиялари, оркестр ва ҳар бир факультетнинг ўз бадиий ансамблини ташкил этиш, фаолиятини йўлга қўйиш.
10. “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик танловининг Республика боқичида ғолиб бўлган талабалар ижод қилган куй-кўшиқларини “Талабалар медиа ижтимоий ва маданият маскани”да ташкил этилган овоз ёзиш студиясида

фонотека тасмаларида ёзиш ва уларни аудио-видео дискларни тайёрлаб, олий таълим муассасаларига етказиш.

11. Олий таълим муассасаларида санъат, маданият ва бошқа ҳаваскорлик ижодий ҳамда бадиий қобилиятларга эга бўлган талабаларни саралаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш ва ҳар бир талабанинг ижодий қобилиятини ўрганган ҳолда клублар ташкил этиш.

12. “Талантли талабалар” кўрик-танловини ёки “Талант шоу” номли фестивалларни ташкил этиш.

### ***Б) Ижтимоий ҳамкорликда:***

1. Маданият, санъат соҳасига тегишли таълим йўналишлари талабаларининг амалиётларини туманлардаги мактабларда ташкил этиш, бунда талантли ўқувчиларни аниқлаб олиш, уларни ташаббус йўналишида иқтидорларини ривожлантириб “Ёш талантлар” театр студиялари томошаларини, ўқувчи ёшлар санъат асарлари кўргазмалари танловларини ташкил этиш.

2. Танлов натижалари бўйича энг талантли ёшларни ОТМ академик лицейларига селекциясини мақсадли амалга ошириш

3. ОТМда фаолият кўрсатаётган “Талабалар театр студиялари” томонидан сахналаштирилган спектакллар, талабалар ва профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган санъат асарларини ОТМга бириктирилган туманлардаги мактабларда “Маданият-санъат карвонлари” лойиҳаси асосида навбат билан кўргазмаларини ташкил этиш.

### ***Талаб этиладиган моддий-техник база:***

Турли хил мусиқа асбоблари билан таъминлаш (флейта, флейта пикколо, гобой, кларнет, фагот, контрфагот, валторна, труба, тромбон, бастрамбон, урма зарбли чолғулар, литавралар, барабанлар, тарелкалар, ксилофон, маримбафон, вибрафон, кўнғироқ ва кўнғироқчалар, арфа, скрипка, альт, виолончел, контрабас, рояллар 2 та, пианинолар 5 та).

Ҳар бир олий таълим муассасасида талабалар ўқув театри хонасини ташкил этиш.

Ахборот-ресурс марказларини мусиқа ва санъатга оид ўқув қўлланмалар ва ноталар тўплами билан бойитиш.

**II. Ўқувчи-талабаларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш масалалари.**

### ***Мақсад:***

Ўқувчи-талабаларни ҳар жиҳатдан соғлом, жисмонан бақувват ва чиниққан, ақлан етук, сабр-қаноатли, чاقқон ва интилувчан, эпчил ва ҳаракатчан, ғайратли, уддабурон ва ташаббускор шахс сифатида тарбиялаш.

### ***Амалга ошириладиган тадбирлар:***

#### ***А) Олий таълим муассасасида:***

1. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи ижтимоий ролик тайёрлаш ва уни ОАВ, ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиб бориш. “Бизнинг фахримиз” рукнида қисқа метражли фильмлар тайёрлаш.
2. “Гимнастрада” спорт турини оммавийлаштириш ва доимий ўтказиш.
3. Фитнесс заллар, аэробика, шейпинг каби спорт турлари фаолиятини йўлга қўйиш (айниқса қизлар учун).
4. “Спорт устаси ҳамда ёшлар тарбиячиси” номи остида спорт фахрийлари билан доимий учрашувлар, туркум давра суҳбатлари ташкил этиш.
5. Ҳафтанинг ҳар шанба куни “Спорт – саломатлик гарови” шиори остида “Юриш марафонлари”ни ташкил этиш.
6. Спортнинг жамоавий турлари бўйича академик гуруҳлар чемпионатини ўтказиш.
7. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида спорт тўғрақлари ташкил қилган, мусобақалар ўтказган профессор-ўқитувчиларни мунтазам моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш.
8. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишида таълим олаётган юқори босқич талабаларини педагогик ва ўқув амалиётларини олий таълим муассасаларида ўтказиш.
9. Талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришга оид фаолиятларини замонавий асосларда қайта ташкил этиш ва таълим муассасаларида уларни спортга оид қобилиятларини намоиш қилиш учун шароит яратиш.
10. Спорт клублари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича кенг кўламда олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида мунтазам семинар-тренинглар, маҳорат дарслари ўтказиш.
11. “Саломатлик сари мустаҳкам қадам”, “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” шиори остида тарғибот акциясини ташкил қилиш.
12. Спортнинг “Боулинг” “Воркаут”, “Скейт”, “Велосипед” (ОТМ шароитидан келиб чиққан ҳолда) турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш.
13. “Универсиада” спорт мусобақаларининг саралаш, ҳудудий ва республика босқичларида талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш.
14. Эрталабки бадантарбия машқларини кун тартибига жорий қилиш, хотин-қизлар ўртасида “Спорт – нафислик, саломатлик манбаи” шиори асосида спорт фестивалини ўтказиш.

### ***Б) Ижтимоий ҳамкорликда:***

1. Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларининг педагогик амалиёт дастурига амалиётга борган ҳудуддаги маҳаллалар аҳолиси ўртасида оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этишга йўналтирилган 2 ҳафталик махсус дастурни жорий қилиш.
2. ОТМлар, маҳаллалар ва мактаблар ўртасида ижтимоий шерикчилик шартномалари имзоланиб, унга мувофиқ ОТМдаги ва маҳаллалардаги спорт усталари, спорт фахрийлари иштирокида бепул спорт секциялари ташкил этиш.
3. Маҳалалар билан ҳамкорликда ҳудудлардаги коллежлар мавжуд спорт иншоатларидан фойдаланган ҳолда оммавий спорт турлари бўйича ёшлар

(талаба, маҳалла, ўқувчи) ўртасида “Ректор кубоги” мусобақаларини ташкил этиш.

***Талаб этиладиган моддий-техник база:***

Спорт залларини фитнес, аэробика, шейпинг каби спорт турлари учун зарурий спорт анжомлари билан таъминлаш.

Таълим муассасаларида замонавий сунъий футбол майдони куриш.

“Универсиада” мусобақаларидаги спорт турлари бўйича зарур бўлган майдонларни ташкил этиш.

Юқоридаги барча тадбирларни ўтказиш учун спорт анжомлари билан таъминлаш.

**III. Ўқувчи-талабалар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари.**

***Мақсад:***

Ўқувчи-талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш.

***Амалга ошириладиган тадбирлар:***

***А) Олий таълим муассасасида:***

1. ОТМда компьютер технологиялари бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.

2. Талабаларнинг интернет ва медиа маданиятини шакллантириш учун муайян муддатда семинар-тренинглар олиб бориш.

3. “Ёш тарғиботчилар” виртуал клублари фаолиятини йўлга қўйиш.

4. Олий таълим муассасаси талабалари ўртасида «Компьютер миллий ўйинлари» кўрик-танловининг жорий этиш.

5. Компьютер хоналарида талабаларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган тест, викторина ривожлантириш стратегиялари ва бошқа фойдали дастурлар билан таъминлаш.

6. Талабаларнинг келажақдаги касбларга йўналтириш доирасида тегишли компьютер дастурларни ўргатиб бориш.

7. Юридик мақомидан қатъий назар барча ташкилотларда фаолият юритаётган ишчи ва ходимлардан, ишга жойлашмоқчи бўлган фуқародан ва олий таълим муассасасига ўқишга кирмоқчи бўлаётган шахслардан компьютер саводхонлиги бўйича мажбурий равишда сертификатлар талаб қилиш лозим.

8. Талабаларни университет ҳаёти билан яқиндан таништириб бориш мақсадида унинг веб-сайтида факультетлар блогларини яратиш, шунингдек, ушбу блог орқали талабаларнинг онлайн мулоқоти ва муҳокамаларини йўлга қўйиш.

***Б) Ижтимоий ҳамкорликда:***

1. ОТМ талабалари орасидан **АКТ йўналиши бўйича волонтерларни** тайинлаш ва улар томонидан шаҳар ва туман марказларида ташкил этиладиган **Рақамли технологиялар ва ИТ – тадбиркорлик ўқув марказларида компьютер саводхонлиги бўйича қўшимча машғулотларни** олиб боришга жалб этиш.

2. ОТМлар базасида талабалар ва ўқувчилар ўртасидаги АКТ соҳасидаги **“ИТ олимпиадалар”** ташкил этиш:

**Ўқувчилар** учун **“Дастурлаш алгоритми ва компьютер дизайни”** йўналишида;

**Талабалар** учун **“Компьютер ўйинларини яратиш ва дастурлаш”** йўналишида.

***Талаб этиладиган моддий-техник база:***

ОТМда компьютер технологиялари бўйича ўқув курси учун жой ажратиш.

ОТМда бепул Wi-Fi зоналарни ташкил этиш.

Талабалар турар жойларида компьютер хонасини ташкил этиш ва уларни интернет тармоғига уланишини таъминлаш.

**IV. Ўқувчи-талабалар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш масалалари.**

***Мақсад:***

Ўқувчи-талабаларнинг илмий ва бадиий адабиётлар, жумладан, дидактик асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш ва шу орқали уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш.

***Амалга ошириладиган тадбирлар:***

***А) Олий таълим муассасасида:***

1. “Нотиклик санъати” ва “Reading club” (китобхонлик) тўғрақларини ташкил этиш.

2. “Ахборот соат ва мураббийлик соати”да 1 та бадиий китобни ўқиб келиб, уни муҳокама қилишни йўлга қўйиш.

3. Талабалар ўртасида “Мен севиб ўқиган китоб” мавзусида иншолар кўрик-танловини ўтказиш.

4. “Заковат” интеллектуал ўйинини мунтазам йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш.

5. “Мен севган асар”, “Мен севган қаҳрамон”, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Биз диний экстримизм, миссионерлик ва прозелитизмга қаршимиз”, “Глобаллашув ва “оммавий маъданият” мавзуларида давра суҳбатлари, маърифий учрашувлар ўтказиш

6. Талабалар томонидан яратилган энг яхши шеър, мақола ва иншолардан иборат ижод маҳсуллари жамланган тўпламлар нашр этириб бориш.

7. “Бир соат маърифати”, “Соғлом инсон табиат мўъжизаси”, “Мен бугун қандай бадиий китоб ўқидим?”, “Даҳоларнинг садоси янграган диёр”, “Қўл телефонисиз бир кун”, “Китоб улаш”, “Китобдан яхши дўст бўлмас”, “Китоб билим манбаи” каби мавзуларда акциялар ўтказиб бориш.

8. Талаба ёшлар учун “Ўзбек адабиётининг энг сара асарлари ҳафталиги” ва “Жаҳон адабиётининг энг сара асарлари ҳафталиги”ни ташкил этиб бориш.

9. Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини тарғиб этишга қаратилган “Эзгуликнинг ибтидоси илмдан бошланади” мавзусида мақолалар танловини ташкил этиш ва танлов ғолибларини рағбатлантириш.

10. Талаба-ёшлар ўртасида “Энг фаол китобхон талаба”, “Энг фаол китобхон гуруҳ”, “Энг фаол китобхон факультет”, “Энг яхши шахсий кутубхона” танловларини ҳар йили ташкил этиш ва танлов ғолибларини тақдирлаш.

11. “Маънавият сарчашмалари” номли сайёр китоб кўرғазмаси ва мунтазам тарзда фаолият юритаётган китоб нашриётлари билан “Китоб ярмарка”сини ўтказиб бориш.

12. Ҳар ойда бир марта ёзувчи ва шоирларнинг ижодига бағишлаб китобхонлик ҳафталикларини ўтказишни йўлга қўйиш. Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган таниқли ёзувчи ва шоирлар билан онлайн кечалар ташкил қилиш.

13. Китобхонликни ўқув жараёни, яъни фан билан боғлиқ равишда олиб бориш. ОТМ талабалари орасида китобхонликни кенг оммалаштириш мақсадида ҳар семестрда муайян фан доирасида гуруҳ талабалари томонидан бир бадиий адабиётни ўқиши ва оралиқ назоратида мазкур адабиётни тақдимотини ташкил этиш жорий этилмоқда (ТДИУ тажрибаси).

14. Талаба-ёшлар ўртасида “Мунозара” танловини ташкил этиш.

15. Олий таълим муассасасаларида “GOOGLE ESSE” дастур тизимини жорий қилиш.

### ***Б) Ижтимоий ҳамкорликда:***

1. Маҳаллаларда китобхонликни тарғиб қилиш учун оилалар ва уюшмаган ёшлар ўртасида, мактаблардаги ўқувчилар билан интеллектуал ўйин ва танловлар ташкил этиш.

2. Бадиий адабиётларни болалар ва ўсмирларни қизиқтирувчи шаклларда етказиш мақсадида жаҳонда кенг оммалаштирилган “**тасвирий**” адабиётлар мажмуаларини ишлаб чиқиш лойиҳасини йўлга қўйиш. Бунда ЎзДСМИ, ТДПУ, МРДИ, ТАТУ – ижодий жамоасини тузиш.

### ***Талаб этиладиган моддий-техник база:***

“Book SAFE” ташкил қилиш ва у ерда барча техник имкониятни яратиш.

Ахборот-ресурс маркази кутубхона фонди учун бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилган адабиётларни харид қилиш бўйича зарур бўлган молиявий манбаларни аниқлаш ва улар ҳисобидан китоблар билан таъминлаш чораларини кўриш.

## **V. Ўқувчи ва талаба қизларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш масалалари;**

### ***Мақсад:***

Талаба ва ўқувчи қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, олий таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш, жамиятга касбига садоқатли, фаол ва ташаббускор, ҳар жиҳатдан етук битирувчиларни етказиб бериш.

### ***Амалга ошириладиган тадбирлар:***

#### ***А) Олий таълим муассасасида:***

1. Олий таълим муассасасидаги “Ёшлар маркази” қошида тикув, пиширик курсларини ташкил этиш.

2. Қизларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларга оилани мустаҳкамлашга доир тавсиялар, оилавий ажримларни сабаб ва оқибатларини кўрсатиб ва тушунтириб бериш ҳамда уларни ўз касбини устаси сифатида шакллантириш мақсадида “Касбим – фахрим” мавзуларида туркум учрашувлар, давра суҳбатларини олиб бориш.

3. Ижодий ва фан тўғаракларига қизларни жалб қилиш, уларнинг ички потенциалини очишга кўмаклашиш.

4. Касбга йўналтирувчи махсус курслар ташкил этиш ва уларга ОТМда фаолият кўрсатаётган, жамоат ишларида фаол, ўзининг ҳаёти ва тарбиялаётган шогирдлари, илмий салоҳияти, инсоний фазилатлари билан ўрнатилган бўлаётган профессор-ўқитувчи аёлларни жалб қилиш.

5. Тор доирадаги мутахассисларга бўлган талабни ўрганиб чиқиш, ҳамда битирувчи талабалар ўртасида олдиндан меҳнат ярмаркасини ўтказиш, ҳудудлар кесимида бандликга кўмаклашиш марказларига бириктириб [ish.mehnat.uz](http://ish.mehnat.uz) сайти билан институт ўртасида алоқани ўрнатиш ва бунга иш берувчиларни жалб этиш.

6. Қизлар учун “Оила мактаби” ўқув курсларини очиш.

7. Талаба-қизларнинг келажакда ишлаб чиқариш жараёнига мослашиб кетиши учун иш берувчи ташкилотларга доимий амалиётларга юбориш.

8. “Бизнес леди”, “Тадбиркор аёл” клубларини ташкил этиш.

9. “Оилавий тадбиркорлик ва имкониятлар” мавзусида ўқув семинарлари ташкил қилиш.

10. ОТМ битирувчи талаба қизлари учун қўшимча равишда “Тадбиркорлик асослари” курсларини жорий этиш.

***Б) Ижтимоий ҳамкорликда:***

*1. Маҳаллаларда профессор-ўқитувчилар ва психологлар иштирокида аниқ манзилли режа асосида ҳар бир муаммоли оила ва тарбияси оғир ёш билан индивидуал суҳбат ва таълим ишлари олиб борилади.*

*2. Маҳаллалар ёшлари учун олий таълим муассасаси ҳузурида сертификат берадиган қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.*

***Талаб этиладиган моддий-техник база:***

*Бўш турган бинода нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқадиган цех ташкил этиш.*